

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил ноябрь ойининг 10 куни Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, суднинг биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Зарипов, И.Тўхтауновнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Қувасой шаҳар прокурори ёрдамчиси Б.Аббазов, судланувчи Хасанбоев Санжар Иброхимович ва унинг ҳимоячиси – адвокат М.Мамадалиевнинг иштирокида, Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисми билан айбланган С.Хасанбоевга оид 1-1505-2201/166-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Хасанбоев Санжар Иброхимович (Хасанбойев Sanjar Ibrohimovich) – 1990 йил 11 августда Қувасой шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, Қувасой шаҳар “Собиржон Хасанов” фермер хўжалигида ишчи, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Қувасой шаҳар, Намуна м.ф.й., Ёрқин кўчаси, 8-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 12 сентябрь куни олган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Хасанбоев Санжар Иброхимович тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш орқали моддий даромад қилиш ҳақида жиноий режа тузиб, 2022 йил 03 июль куни дастлабки тергов давомида аниқланмаган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасига олиб ўтилган (жиноят ишининг номаълум шахсга оид қисми материал тариқасида алоҳида иш юритувига ажратилган), тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва акциз белгилари билан маркаланмаган 4.980 қути “Milano” номли, баҳоси анча миқдордаги 34.860.000 сўмлик тамаки маҳсулотларини ўзининг жиноий режасини ошқор қилмаган ҳолда таниши Д.Ражабалиев (жиноят ишининг унга оид қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган) томонидан бош ишончнома асосида бошқариб келинаётган “Cobalt” русумли, давлат белгиси 40D484DA бўлган автомашина юкхонасига юклаб, Д.Ражаалиевга мазкур қопларга жойланган юклар маиший техника воситалари эканини, Қўқон шаҳрига ташиб беришини илтимос қилиб, шу куни соат 17-00ларда Қувасой шаҳар Қўчқорчи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ҳаракатланиб бориб, “Shaffof” номли автомобилларга газ қўйиш шохобчасига кирган вақтларида уларни кузатиб бораётган Фарғона вилоят Божхона бошқармаси ходимлари томонидан аниқланиб, 4.980 қути “Milano” номли тамаки маҳсулотлари ҳолислар иштирокида расмийлаштирилган баённомага асосан ашёвий далил тариқасида олинган ҳамда сақлаш учун “Abror Bekzod Вахром” хусусий қорхонасига топширилган.



“Kontinent imkon baho” МЧЖнинг 2022 йил 05 июлдаги 479-сонли хисоботида кўра сақлаш учун “Abrog Bekzod Вахром” хусусий корхонасига топширилган жами 4.980 қути “Milano” номли тамаки маҳсулотларининг тавсия қиймати 34.860.000 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Ўзбекистон Илмий-синов ва сифат назорати маркази Давлат муассасаси Фарғона филиалининг 2022 йил 05 июлдаги 906-сонли маълумотномасига кўра текшириш учун тақдим қилинган тамаки маҳсулотлари ёрлиғида истеъмолчиларга керакли бўлган маълумотлар Давлат тилида ёритилмаганлиги сабабли очиқ савдога чиқарилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Хасанбоев судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам тамаки маҳсулотлари савдоси бундай жиддий оқибатларга олиб келади деб ўйламагани, илгари умуман мазкур маҳсулотлар билан муомала қилмагани, ўзи ҳам умуман тамаки маҳсулотлари чекмаслиги, бу ишларга аралашиб қолишига Қирғиз фуқароси “Ирис” исмли танишига берган 3.000 АҚШ доллари қарзи сабаб бўлгани, ундан қарзини қайтаришни сўраганида у тез кунларда беришини айтиб, сўнг 2022 йил июнь ойи охирларида номаълум рақамдан кўнғироқ қилиб, қарзи эвазига уйига юк ташлаб кетганини айтгани, кейин ўзига тегишли қурилиши битмаган хонадонга келганида “Ирис” ўн дона қизил қопларда “Milano” номли сигаретларни ташлаб кетганини кўриб, қарзини чиқариб олиш мақсадида Кўккон шаҳрига олиб бориб сотмоқчи бўлгани, лекин оила аъзолари кўриб қолишмаслиги, отаси тамаки маҳсулотларини ёмон кўришини ўйлаб, қопларни қишлоқ четидаги ташландиқ жойдаги шийпонга олиб бориб, яшириб қўйгани, шундан сўнг 2022 йил 03 июль куни Фарғона тумани Лоғон маҳалласида яшовчи таниши Д.Ражабалиевга кўнғироқ қилиб, автомашинасида Кўккон шаҳрига олиб бориб келишни илтимос қилгани, бироздан сўнг Д.Ражабалиев ўзининг “Cobalt” русумли автомашинасида яшаш хонадонига етиб келгани, шундан сўнг унинг автомашинасига ўтириб, унга бир нечта қопларда маиший техника борлигини, юклаб олиб кетишларини айтиб, уни шийпонга бошлаб боргани, у ерда Д.Ражабалиев таҳорат олишини айтиб, орқага ўтганида ўзи унинг автомашинаси юкхонасида ўн дона қоплардаги сигаретларни юклаб қўйгани, Д.Ражабалиев қопларни очиб кўрмагани учун унинг ҳеч нарсадан хабари бўлмагани, шундан сўнг йўлга чиқиб, “Shaffof” номли автомобилларга газ қўйиш шохобчасига кирган вақтларида фуқаролик кийимидаги бир нечта шахслар олдиларига келишиб, Фарғона вилоят Божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари эканларини айтишиб, ноқонуний юклари бор ёки йўқлигини сўраганларида ўзи уларга автомашинада сигарет маҳсулотлари борлигини айтгани, шундан сўнг ходимлар текшириб кўришлари кераклигини айтишиб, Божхона бошқармаси биносига олиб боришгани, у ерда қопларни очиб, ичидаги сигаретларни санаб кўришганида оқ ва қора рангли аралаш жами 4.980 қути экани аниқлангани, кейинроқ сигарета маҳсулотларини акциз маркаси ҳолда ташиб юриш мумкин эмаслигини, жинойт эканини билгани, лекин ўзи “Ирис” мазкур сигаретларни Ўзбекистонга қандай қилиб олиб



кирганини билмагани, ҳақиқатдан ҳам Қирғиз фуқароси “Ирис” исмли шахс билан 2020 йилда ўзи Тожикистонга борганда мол бозорида танишиб қолгани, шундан сўнг у билан қўй олди-берди қилиб юриб, яхши чиқишиб қолгани, у бир неча мартаба уйда меҳмон бўлиб кетгани, кейин 2021 йил ёз ойларида оиласи билан бирга Ўзбекистонга даволаниш учун келиб, бир неча мартаба қарзга пул сўраб, бўлиб-бўлиб, 3.000 АҚШ доллари пулларни қарзга олгани, лекин орадан 5-6 ой ўтиб кетганидан сўнг ҳам у қарзини қайтармагани учун 2022 йил май ойларида уни Қирғизистонлик танишлари орқали топиб, қарзини талаб қилганида у тез орада қайтаришга ваъда бергани, кейин эса қарзи эвазига ушбу сигарета маҳсулотларини ташлаб кетгани, агар бу иш жиноят бўлишини билганида умуман аралашмаган бўлишини, ҳақиқатдан ҳам Д.Ражабалиевни у Лоғон қишлоғидан бўлгани, у ерда ўзининг қариндошлари борлиги сабабли олдандан танигани, бундан ташқари бир неча йиллар олдин ўзи спорт мактабида ишлаганида Д.Ражабалиев оғир атлетика билан шуғулланиш учун келиб юрган вақтларида у билан муносабатлари яхши бўлиб кетгани, у ўзининг “Cobalt” русумли автомашинада кира қилиб юришидан хабари бўлгани учун унга кўнғироқ қилиб чақиргани, у билан 300.000 сўмга Қўқон шаҳрига бориб, қайтариб олиб келишга келишишгани, лекин унга қопларда сигарета борлигини айтмагани, маиший техникалар бор деб айтгани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрор, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини айтиб, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, жазо масаласида енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Д.Ражабалиев суд мажлисида С.Хасанбоев бир неча йиллардан буён таниши, ўзи Қувасой шаҳридаги спорт мактабида оғир атлетика билан шуғулланиб юрган вақтларида С.Хасанбоев мазкур мактабда қаратэ машғулотлари бўйича тренер эканини билгани, у билан муносабатлари яхши бўлгани, ўзи “Cobalt” русумли автомашинасида таксичилик билан ҳам шуғулланиб келгани учун С.Хасанбоевни бир неча марта айтган жойларига олиб бориб келиб қўйгани, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 03 июль куни соат 15-00ларда С.Хасанбоев кўнғироқ қилиб, Қўқон шаҳрига олиб бориб келишини илтимос қилгани, шундан сўнг рози бўлиб, С.Хасанбоев тушунтирган манзили бўйича дала ҳовлисига боргани, етиб борганидан сўнг ўзи таҳорат олиш учун орқага ўтгани, қайтиб келганида автомашина салон қисмида қизил қоп ичида бир дона қоғоз қути турганини кўриб, С.Хасанбоевдан нима эканини сўраганида у чангютгич эканини айтгани, шундан сўнг йўлга чиқиб, С.Хасанбоев яшайдиган Намуна маҳалласидан Қўчқорчи маҳалласи орқали юриб, “Қува-Фарғона” автомобиль йўли бўйидаги газ қуйиш шохобчасига кирган вақтида ортидан бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини божхона контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари эканликларини айтишиб, автомашинасида нима юк борлигини сўрашгани, сўнг С.Хасанбоев автомашина салони ва юкхонасида сигарет маҳсулотлари борлигини, ўзига тегишли эканини айтгани, шундан сўнг божхона ходимлари текшириб кўриш учун Божхона бошқармасига олиб кетишгани, у ерда икки нафар холислар иштирокида қоплар очиб кўрилганида жами 10 та қоғоз қутиларда 4.980 дона “Milano” номли сигаретлар борлиги аниқлангани,



ҳақиқатдан ҳам ўзи таксичилик фаолияти билан шуғуллангани учун С.Хасанбоев Кўкон шаҳрига бориб келишни илтимос қилганида рози бўлгани, шу куни С.Хасанбоев ўзи ёнида бўлгани сабабли автомашинасига юклаб қўйган қопни ичини текшириб кўрмагани, С.Хасанбоев чангютгич эканини айтганида унинг гапларига ишонгани, ичидан сигарет маҳсулотлари бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Юсупов суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам қўшниси М.Абдуқаҳхаров билан ёлланма асосида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариб келишлари, 2022 йил июль ойида Фарғона вилоят Божхона бошқармасида олиб борилаётган қурилиш ишларини бажаришгани, лекин қайси фирмада ишлаганликларини ҳозирда эслай олмаслиги, 2022 йил 03 июль куни соат 18-00ларда ишлари якунланаётган вақтда у ерга “Cobalt” русумли автомашинаси олиб келинганини кўргани, шунда божхона ходимларидан бири мазкур автомашинани текшириб кўришларида гувоҳ бўлиб туришларини илтимос қилишгани, сўнг М.Абдуқаҳхаров билан кузатиб туришганида автомашина юкхонаси ва салонидан 10 дона қоғоз қутиларда сигарет маҳсулотлари борлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, сўнг бу ҳақда ҳужжатлар тузилгани, ҳақиқатдан ҳам шу куни автомашинадан олинган “Milano” номли сигаретлар 10 та қоғоз қутиларда бўлиб, умумий миқдори санокдан ўтказилганида 4.980 дона экани аниқланганини айтиб кўрсатув берди.

Суд, С.Хасанбоевнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилингани ҳақида хулосага келди.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги 2011 йил 05 октябрдаги ЎРҚ-302-сонли Қонунининг 11-моддасига кўра алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш юридик шахслар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади;

- 12-моддасига кўра алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ўралишига, тамғаланишига доир талаблар қонунчиликда назарда тутилган техник регламентларга мувофиқ белгиланади;

- 13-моддаси мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига алкоголь маҳсулотини полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материалдан тайёрланган полимер истеъмол идишларида олиб кириш тақиқланади, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса, акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда ёки қалбаки акциз маркалари билан, бундай маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширган етказиб берувчидан олинган бўлса, реализация қилиш мумкин эмас;



- 16-моддасига кўра алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши устидан давлат назорати ваколатли органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисмига кўра анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган, этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор – анча миқдорни, уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор – кўп миқдорни, беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор – жуда кўп миқдорни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикасида базавий ҳисоблаш миқдори 2022 йил 01 июнь кунидан 300.000 сўм этиб белгиланган бўлиб, ҳукм чиқарилган вақт ҳолатига анча миқдор 30.000.000 сўм ва ундан юқорини ташкил этади.

Иш ҳолатларига кўра С.Хасанбоев тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва акциз белгилари билан маркаланмаган 4.980 қути “Milano” номли, баҳоси анча миқдордаги 34.860.000 сўмлик тамаки маҳсулотларини ўзининг жиноий режасини ошқор қилмаган ҳолда таниши Д.Ражабалиев бошқарувидаги автомашинага юклаб, келгусида қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида ташиб, Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Суд, тарафлар музокарасини, судланувчи ва гувоҳларнинг суд мажлисидаги кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, С.Хасанбоевнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳлар Д.Ражабалиев, А.Юсупов ва М.Абдуқаҳхаровнинг суддаги кўрсатувлари, тезкор кидирув тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарор, транспорт воситасини кўздан кечириш ҳақидаги, ашёни кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар, фото иловалар, “Kontinent imkon baho” МЧЖнинг 2022 йил 05 июлдаги 479-сонли ҳисоботи, Ўзбекистон

Илмий-синов ва сифат назорати маркази Давлат муассасаси Фарғона филиалининг 2022 йил 05 июлдаги 906-сонли маълумотномаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш, жиноят ишига қўшиш ва сақлаш учун топшириш қарори, 2022 йил 03 июлдаги 47-сонли юк хати, С.Хасанбоевнинг шахсига оид ҳужжатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида жазо адолатли



бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунга кўра, суд, С.Хасанбоевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, С.Хасанбоевнинг шахсини назарда тутиш билан бир қаторда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг оилавий шароитини, қармоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борилигини, ёшини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, жиноятни фош қилишга ёрдам берганини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, у айбдор деб топилаётган Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, 2022 йил 03 июлдаги 47-сонли юк хатига асосан Фарғона шаҳар “Abror Bekzod Vaxrom” хусусий корхонаси омборхонасига топширилган жами 4.980 кути “Milano” номли тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозимлиги ҳақидаги тўхтамга келди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,

ҳукм қилди:

Хасанбоев Санжар Иброхимович (Xasanboyev Sanjar Ibroximovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

С.Хасанбоевга, у айбдор деб топилган Жиноят кодекси 186¹-моддасининг 1-қисми билан билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси маҳкумнинг ўз иш жойида ўташи белгилансин ва жазони ижро этиш Қувасой шаҳар Ички ишлар органлари пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум ишлаётган муассаса маъмурияти томонидан Қувасой шаҳар Ички ишлар органлари пробация гуруҳидан хабарнома олинган кундан ҳисоблансин.

С.Хасанбоевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда Фарғона вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 (олти миллион) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи С.Назаровга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тарикасида олинган, 2022 йил 03 июлдаги 47-сонли юк хатига асосан Фарғона шаҳар “Abror Bekzod Vaxrom” хусусий корхонаси омборхонасига топширилган жами 4.980 кути “Milano” номли тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинсин.



Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукм кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Р.Зарипов

Маъсул судья: Зарипов Рустам Рахматжонович

